

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
**№ 45338**

2022 йил 18 март

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали номидан **Низом асосида иш кўрувчи ташкилот директори С.Муминов** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган

**«Мустахкам Иншоотлар» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи жамият директори Ф.Ходжинев,** иккинчи томондан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида жорий таъмирлаш обьекти буйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

**I. Тарифлар**

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

вақтнчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтнчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. **Пудратчи** мазкур шартнома шартларига кура лойихада кўзда тутилган РИКИАТМ Наманган филиалида жорий таъмирлаш обьекти буйича ишларини бажариш обьекти буйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. **Буюртмачи** эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, ularни қабул қилиш ва ажратилган маблағлар хисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 16 марта даги №45338-сонли баённома (лот №45338) билан тасдиқланган ишлар қиймати КҚС билан 243 282 707 (Икки юз кирқ уч миллион икки юз саксон икки минг етти юз етти) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгаририлганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва

курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ инвестор томонидан ажратилган маблағлари хисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Тендер, танлов савдолари натижаси бўйича обьектни фойдаланишга топшириш муддати 20 кун.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг

30 фоизи- 72 984 812 (Етмиш икки миллион тўқказ изз саксон тўрт минг саккиз изз ўн икки) сўм миқдорида Пудратчига аванс маблағи молиялаштириб берилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал ( 2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равища ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, фойдаланишга қабул қилинганилиги хақидаги қарор ва авизо тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 70 фоизи буюртмачи томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилашининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш ҷоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириши ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуктларида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равища хабардор килади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг мағнаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлади.

36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Зарур ҳолларда тендер қийматидан чиқмаган ҳолда, объектдаги иш турларини белгиланган тартибида ўзгаришиш мумкин.

## IX. Ишларни қўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриклинишини таъминлайди.

39. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар иккى ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишига қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун оддин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

ложиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

48. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида нуксонлар аниқланаб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

50. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Курилишсоҳасиданазорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисадий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиши

51. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш хукуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташкари Буюртмачи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

52. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўпма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблагни ўз вақтида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, куриши мөъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида Намангандан туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчишардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки берини хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. 72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тутугандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатларни содир қилмасиликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича хамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрои органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равища норасмий пул ёки моддий кийматлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Пудратчи

Республика ихтисослаштирилган  
кардиология илмий-амалий тиббиёт  
маркази Наманган филиали  
Манзил: Наманган ш. Тўракўргон к. 205  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги ғазначилиги  
Ш.х.в\* 401421860144017073201054001  
ИНН 200 055 661 ОКЭД 86100  
Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар  
бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази  
Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО 00014 ИНН 201 122 919

Муминов Солижон



Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик хужжатларига мос келишилгани аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ташкилот хукукий маслахатчиси Усбеншох Узбек «16» 03 2022 й.



Ходжинев Фарход

Хукукий экспертиза-хуласаси

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“18” март 2022 йил

Наманган шаҳар

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали ташкилоти томонидан давлат харидлари электрон порталига 2022 йил 4 марта 45338-сонли лотга асосан Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури буйича Қурилиш соҳасида электрион давлат харидларни ташкил этиш ва ўтказиш танлов савдосини ўтказиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистан Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни - 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни буйича “Мустахкам Иншоотлар” МЧЖ томонидан берилган таклифлар электрон тартибда ўтказилган танловда комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари буйича электрон расмийлаштирилган баённома “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари буйича эътиrozлар келиб тушмади. Юкоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

РИКИАТМ Наманган филиали директори

С.Муминов



РИКИАТМ Наманган филиали бош хисобчиси

Ш.Фиёсов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 45338 на приобретение Республика  
иҳтинослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида  
жорий таъмирлаш ишларини бажариш.**

Способ проведения электронный

Дата 16.03.2022

Время рассмотрения 15.03.2022 14:45

Конкурсная комиссия Вилоят кардиология маркази, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MA'MUROV BOTIR ODILOVICH	Бош шифокор	РИКИАТМ Наманган филиали
<b>Секретарь комиссии</b>	ESHONOVA DILNOZA SODIRXONOVNA	Котиб (шартномалар буйича маъсул)	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV VOXIDJON KARIMJONOVICH	Булим мудири - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	MALIKOV KOMILJON KARIMJONOVICH	Булим мудири - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	GALEYEVA YELENA SHARIPOVNA	Бош хамшира - аъзо	РИКИАТМ Нф
<b>Член комиссии</b>	MANSUROV ODIL KARIMJANOVICH	Хужалик мудири	РИКИАТМ Наманган филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.03.2022 года № лота 45338.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	245 166 380.00
Стартовая сумма	245 166 380.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги 2. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	16	мавжуд	13	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	16	мавжуд	13	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1 Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: Йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. 2. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	16	мавжуд	14	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	16	мавжуд	14	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Ташкилот структураси 2. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 3. З 3 йил иш стажига эга 1 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) 4. Ишлаб чиқариш техника бўлимида З йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 6. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	15	мавжуд	14	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	15	мавжуд	12	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов предмети — объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камидা 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инобатга олинади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		

Критерий №5 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. З ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Объектнинг буортмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	25	мавжуд	23	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	25	мавжуд	14	Экспертная		

Критерий №6 Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома, Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш хуқуқини берувчи ишончнома. 8-9-шакл

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	3	мавжуд	3	Экспертная		
<b>ООО XXI-ASR</b>	3	мавжуд	3	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО XXI-ASR</b>	245 166 380.00	243 662 159.00	14.03.2022 12:31:39	19.97
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	245 166 380.00	243 282 707.00	14.03.2022 12:19:43	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО XXI-ASR</b>	60.8	19.97	80.77
<b>ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR</b>	72	20	92

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 45338 от 16.03.2022 года на приобретение Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида жорий таъмирлаш ишларини бажариш определила победителем:

ООО MUSTАНКАМ INSHOOTLAR  
306288784

и резервный исполнитель: ООО XXI-ASR (202629815)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	MALIKOV KOMILJON KARIMJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MANSUROV ODIL KARIMJANOVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	MA'MUROV BOTIR ODILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	GALEYEVA YELENA SHARIPOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURDIYEV VOXIDJON KARIMJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП